

Электрон ахборот-таълим муҳити куйидаги учта асосий вазифаларни бажаради:

- ташки муҳит субъектларига замонавий ахборот технологиялар ёрдамида таълим муассасасининг ахборот-таълим муҳити тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдамлашиш;
- таълим муассасаси ходимларининг ўзаро ҳамкорлигини ошириш ва ўзаро ахборот-таълим ресурслари алмашиши муҳитини юзага келтириш;
- таълим муассасасида ахборот-таълим муҳити воситалари орқали самарали ахборот алмашинувини ташкил этиш ва бошқариш.

Таълим муассасасида ахборот-таълим муҳити мақсадини белгилаш учта жараённинг даврий кетма-кетлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади: биринчи даврда муҳитни таҳлил қилиш натижалари ўрганилади; иккинчи даврда – мос равишда амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб олинади; учинчи даврда бевосита таълим муассасасининг ахборот-таълим муҳити мақсади ишлаб чиқилади.

Олий педагогик таълим муассасасида электрон ахборот-таълим муҳитининг мақсади бўлажак ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар билан бевосита боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилади. Ўз навбатида бўлажак ўқитувчи шахсини

Адабиётлар

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимни ахборотлаштириш: назария ва амалиёт. Монография. – Тошкент: «Фан», 2011, 232-б.
2. Волкова Н.И., Мачушенко И.И. Роль электронных изданий в обучении. // Вестник МГПУ. Серия «Информатика и информатизация образования». -М.: МГПУ, 2003, №1. - С. 93-97.
3. Гендина Н.И. Информационная грамотность и информационная культура личности: международные и российские подходы к решению проблемы. // Открытое образование. -2007, № 5 (64). - С.58 -69.
4. Исынов Р.Г. ва бошқалар. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш технологиялари. Монография. –Т.: «Фан», 2011, 182- б.
5. Mamatov D.N. The features of electronic educational medium in training future teachers of vocational educational. The Advanced science. Open access journal. ISSN 2219-746X, volume 2012, issue 1, Torrance , CA, 90503,USA.

РЕЗЮМЕ

Мақолада электрон ахборот таълим муҳитида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш технологиялари таҳлил қилинган. Зеро, бўлажак касб таълими ўқитувчиси техника, технология бўйича назарий ва амалий билимларни эгаллаши ва улар билим олишнинг методларини, фаннинг тарихини, бўлажак кичик мутахассисларни ўргатиш учун ўзлаштирилаётган меҳнат фаолиятининг тегишли турлари бўйича амалий кўникма ва малакаларни мукаммал ўрганиши лозим.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются вопросы применения информационных технологий создающих новое качество образовательного процесса при меньших затратах сил и времени как преподавателей, так и учащихся в образовательном процессе. Обучение в педагогической системе общей подготовки будущих учителей занимает важное место и способствует тому, чтобы педагогическая деятельность была эффективной, действительно отвечала своим задачам и способствовала формированию определённых умений и навыков.

SUMMARY

The article is devoted to the analysis of the issues of using informational technologies creating a new quality of the educational process with less time-consuming and effort of both-teachers and students in the educational process. Education in pedagogical system of the general training of future teachers occupies the important place and creates efficient pedagogical activity really meeting the requirements and promoting to forming the certain skills and habits.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТАРМОҚЛИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ МУҲИТИНИНГ АСОСИЙ ТЕХНОЛОГИК КОМПОНЕНТИ СИФАТИДА

К.Каримов - катта илмий ходим

Т.Н.Қори Ниёзий номли ЎзПФИТИ

Таянч сўзлар: масофавий таълим, малака ошириш тизими, таълим тизими, тармоқли модел, имконият, дастурлаш, таҳлил.

Ключевые слова: дистанционное обучение, система повышения квалификации педагогов, система образования, преимущества, программирование, анализ.

Key words: distance education, system of professional development of teachers, education system, benefits, programming, analysis.

Малака оширишда тармоқли ўзаро ҳаракат педагогик муаммо сифатида масофавий таълимнинг моделини ривожланиши мумкин бўлган тармоқли ахборот-коммуникация муҳитини ўрганиш, ишлаб чиқиш ва яратишга йўналтиради. Педагог кадрларнинг масофавий таълим шаклида малакасини ошириш педагогнинг давлат аттестациясига эга бўлган малака ошириш таълим муассасасида малака ошириш дастурларини ўрта ва якуний аттестациядан ўтиш орқали мустақил ўзлаштиришини кўзда тутди.

Педагог кадрларнинг масофавий малакасини ошириш ахборот-коммуникация муҳити орқали амалга оширилса, куйидагиларга эришиш мумкин:

- малака ошириш тизимида педагогларни ташкил қилиш;
- педагогнинг касбий-шахсий ривожланиши дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш;
- малака оширишнинг турли интерфаол, шахсий-фаолиятли шаклларида фойдаланиш;
- малака ошириш курсларини интеграциялаш.

Масофавий таълимнинг тармоқли моделини ишлаб чиқишдан олдин ташкилий тур сифатида белгиланган, тенг ҳуқуқли ва мустақил иштирокчиларнинг эркин боғланган тармоғининг тузилмаси бўлиб тавсифланадиган “тармоқли ташкилий шакл” тушунчаси моҳиятини очишимиз лозим.

шакллантиришда олий педагогик таълим муассасасини битиргандан кейинги меҳнат фаолияти давомида доимий равишда ўз-ўзини ривожлантириб боришига қаратилган сифатларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу ўринда, таъкидлаш жонзик республикамизда амалга оширилаётган таълим ислохотлари «касб» тушунчасига янгича талқинда қарашни талаб этмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий модели талабларига кўра замонавий касб эгаси тайёр касбий билимлар тўпламини эгаллаганлиги билан эмас, балки касбий жихатдан ривожланишга хизмат қилувчи қобилиятларга эгаллиги, ўз касбий даражасини таҳлил қила олиши, жамият ва ишлаб чиқаришнинг янгиланиб бораётган талабларига мос равишда янги билимларни ўзлаштиришга тайёрлиги билан тавсифланади. Санаб ўтилган сифатлар асосини бутун умр давомида янги билимларни эгаллаш орқали узлуксиз касбий тайёргарликни амалга оширишга қаратилган ривожланиш жараёни ташкил қилади.

Шундай қилиб, касбий таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш педагогик таълимнинг электрон ахборот-таълим муҳитини, интеграллашган ахборот-таълим ресурсларини яратишни таълим сифатини оширувчи технология сифатида тадқиқ этишни тақозо этади.

Шундай қилиб, тармоқ алоҳида иштирокчилар орасидаги фарқларнинг сақланишини (ва бу билан уларнинг ресурсларининг турли хиллигини) таъминлайди. Бунда бир варакайга улар томонидан жамоа кадриятлари тан олинади ва биргаликдаги фаолият жараёнига киришиш ва ресурсларни бирлаштириш йўли билан умумий мақсадларга интилиш юз беради.

Бундай шароитларда тармоқдаги ўзаро ҳаракат бошқа мазмун ва ташкилотчилик билан, бутун таълим инфраструктурасининг бошқача методик ва кадрлар таъминоти билан боғлиқ. Таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро ҳаракати анъанавий иерархик ташкил қилинган тизим эмас, балки горизонтал, ўз-ўзини ташкил қилувчи тармоқдир. Ундаги юқори турувчи алоқалар ва муносабатлар – субординацияли эмас, балки ахборотли ва кооперацияли, шериклик ва ҳамкорликдир.

Малака оширишнинг тармоқли дастурларидаги тармоқли ўзаро ҳаракат иштирокчилари бўлиб, ҳудудий келиб чиқиши ва касбий ихтисослашуvidан қатъий назар педагоглар ҳисобланади. Малака оширишдаги тармоқли ахборот-коммуникация муҳитида жамоавий мулоқот ва фаолият субъекти сифатида таълим муассасалари манфаатларини кўзлайдиган педагоглар гуруҳлари иштирок этишлари мумкин.

Педагогларнинг касбий ижодий гуруҳ-жамоалари тармоқли ўзаро ҳаракат жараёнида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Таъриба алмашиш ҳамжамиятларининг шаклланиши тармоқли педагогик ҳамжамиятларнинг ривожланишига асос бўлиши ва малака ошириш тизимидаги масофавий таълимнинг ахборот-коммуникацион муҳитининг ривожланишига қафолат бўлиши мумкин.

Тармоқли ахборот-коммуникацион муҳитининг муҳим иштирокчилари бўлиб педагог-новаторлар – инновацион касбий таърибани етказиб берувчилар ҳисобланади. Улар, тармоқли ўзаро ҳаракатнинг “кристаллаштирувчи марказлари”, малака оширишнинг мотиваторлари ва тармоқдаги биргаликдаги фаолиятнинг ташаббускорларидир.

Тармоқли ўзаро ҳаракат педагоглар учун “инновацион таълим дастурларини жадаллаштирадиган, тармоқли ҳамжамиятнинг шаклланишига шароитлар яратиб бера оладиган, таълим сиёсати таъсир кўрсата оладиган кучли қурол” бўлиши мумкин.

Тармоқда биргаликдаги жамоавий ва индивидуал фаолият олиб бориш учун барча иштирокчилар учун баравар очик бўлган умумий ахборот-коммуникацион муҳит мавжуд бўлиши лозим. Бу компонент малака ошириш жараёни учун лозим бўлган қуйидаги моддий шароитларини ўз ичига олади:

- бевосита учрашувларни ўтказиш учун хоналар (таълим муассасалари, ахборот-ресурс марказлари аудиториялари, ва б.ш.к.);

- масофавий ўзаро ҳаракатни таъминлаш учун тармоқ иштирокчиларининг яшаш жойларида жойлашган, узок масофадаги мосламалар (Интернет тармоғига уланган шахсий компьютерлар);

- таълимий тадбирларни ўтказиш учун фойдаланиладиган жиҳозлар, техник воситалар, кўргазма воситалари, (нашр ва электрон) қўлланмалар.

Масофавий таълимда тармоқли ахборот-коммуникация муҳитининг асосий технологик компоненти бўлиб, малака оширишнинг индивидуал дастури – тармоқли ўзаро ҳаракат иштирокчисининг касбий-шахсий ривожланишининг индивидуал ҳаракатини ўз ичига олган педагогнинг тармоқли ахборот-коммуникацион муҳитда муайян вақт оралиғида малака оширишнинг тузилмавий ҳаракат дастури хизмат қилади.

Индивидуал таълим дастурининг мазмуний тузилмаси турли модулларнинг комбинациясига асосланган:

- ўзаро ҳаракатнинг барча иштирокчиларига ўзлаштирилиши таклиф этиладиган мажбурий модуллар;

- индивидуал таълим дастурларининг бир қисmini бажариш мажбурий бўлган, иштирокчиларнинг танлови бўйича ўзлаштириладиган модуллар;

- факультатив модуллар.

Уч турдаги модуллар ўртасидаги нисбат малака оширишнинг умумий дастури билан аниқланади. Ҳар бир модул муайян шартли соатлар сонига эга. Малака оширишнинг индивидуал дастури турли ташкилий шаклларда амалга оширилади:

- бевосита қисми ўқитувчи билан юзма-юз учрашиб ўтказиладиган ўқув тадбирларидан ташкил топган (ўрнатувчи, маслаҳат сессиялар, семинарлар (танлов бўйича) сессиялар);

- масофавий қисм бевосита ўқув тадбирлари орасидаги давр, бу вақт давомида иштирокчилар билвосита ўқийдилар ва мулоқот қиладилар, лойиҳа-аналитик дастурлар ва масофавий таълим модулларини ўзлаштириб, индивидуал топшириқларни бажарадилар, Интернет тармоғида касбий мулоқотлар тузадилар, якуний лойиҳа-малакавий ишларни (индивидуал ва жамоавий) бажарадилар.

Ўрнатувчи сессияларнинг мақсади тингловчиларни малака оширишнинг тармоқли ахборот-коммуникация муҳитига киритиш, уларга таълимий ресурслар ва турли инновацион амалиётлар билан таништириш имкониятини беришдан иборат.

Олинган ахборотлар ёрдамида иштирокчилар ягона дастур доирасида малака оширишнинг индивидуал дастурини шакллантирадилар.

Асосий сессиялар бевосита юзма-юз, вертуал дастурлар ва малака оширишнинг масофавий қисмидан иборат. Уларнинг мақсади субъектлар томонидан малака оширишнинг индивидуал дастурини амалга ошириш,

шахсий касбий камчиликларни йўқотиш, касбий компетентликни ривожлантиришдир.

Тармоқли малака ошириш дастурининг асосида фаолият ётади. Дастур тармоқнинг ички мезонлари бўйича стандартлаштирилади.

Тармоқли таълим стандартлари тармоқли келишувда қайд қилиниши мумкин. Бундай келишув, тармоқ иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни (моддий, молиявий, ташкилий таъминот меъёрларини киритган ҳолда), унинг тузилмаси ва дастурларига бўлган талабларни аниқловчи доиравий шартнома орқали расмийлаштирилиши мумкин.

Малака ошириш иштирокчиларининг фаолияти тармоқли ҳаракатларда кўринади. Тармоқли ҳаракат, малака оширишнинг тармоқли ахборот-коммуникацион муҳити иштирокчилари фаолияти таърибасининг ўзаро тўлдириб бориладиган воситаси ҳисобланади.

Малака оширишнинг тармоқли ахборот-коммуникацион муҳитининг ижтимоий компоненти ташқи мезонлар, масалан, касбий ҳамжамиятга кирувчи жамоатнинг, таълим тизими фаолиятига тегишли бўлган бошқа ижтимоий институтларнинг фикри, давлат томонидан таълим соҳасидаги касбий ўзаро ҳаракат муаммоларининг долзарблигини аниқлаш ва ҳ.к.з.ни ўз ичига олади.

Тармоқли ахборот-коммуникацион муҳитнинг бошқа таркибий қисми – бу ўз-ўзини субъектли билишдир. Ўз-ўзини субъектли билиш – бу тармоқли ўзаро ҳаракат иштирокчисининг педагогик ҳамжамият вакили сифатида ўзи ҳақидаги тасаввурлари мажмуаси, мулоқот субъекти сифатида ўзига қўйиладиган муносабатлар ва кўрсатмалар тизимини ўз ичига олган бир бутун образдир. Бошқа ижтимоий гуруҳлардан фарқли равишда тармоқли ахборот-коммуникацион муҳитнинг гуруҳларида қатъий белгиланган роллар ва иерархик бўйсунилар йўқ. Касбий-педагогик мулоқотнинг гуруҳлари янги иштирокчилар учун очикдир.

Масофадан ўқитиш таълим дастурларини амалга ошириш таълим олувчиларнинг мустақил таълим фаолияти орқали таъминланади. Шу билан бирга, янги ахборот-коммуникатив воситалар мустақил таълимни ташкил қилиш ва фаолият кўрсатиши тамойилларини ўзгартиради. Уларнинг ёрдамида мустақил таълим фаол таркибий қисм сифатида барча фаолият турларига тадбиқ қилинади.

Замонавий мустақил таълим фаолияти учун бошқарувнинг алоҳида шакллари мавжудлиги маълум бўлди. Мустақил таълимни бошқариш унинг мавжудлигининг меъёри ва касбий фаолият тури бўлиб қолди. Айтиш мумкинки, мустақил таълим соҳаси марказлашмаган турдаги оператив бошқарув амалларидан фойдаланган ҳолда муайян тарзда институционаллаштирилади. Айнан шунинг учун мустақил таълим, у ёки бу ижтимоий касбий ҳамжамиятларда фаолият кўрсата бориб, бир томондан демократик ва иккинчидан озоодир.

О.Тоффлер ҳаққоний равишда таъкидлаганидек: мустақил таълим постиндустриал турдаги жамиятда янги сифат ва ташкилотчилик даражаси билан ажралиб туради. Мустақил таълимни бошқариш биринчи навбатда, ахборот соҳасига таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади ва иерархик бўлмаган, марказлаштирилмаган тармоқли ташкилий шаклга эга.

Мустақил таълим жамият таракқиётининг объектив шароитларига кўра, узлуксиз таълим, ўз-ўзини ўқитиш характерини олади, унинг асоси бўлиб, педагогларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжлари ва уларни қондиришнинг реал имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар хизмат қилади. Бундан келиб чиқиб, педагогда мустақил таълимга бўлган эҳтиёж нафақат унинг янги билимларга бўлган қизиқиши, балки уларни қидиришга бўлган қизиқиши асосида ҳам шаклланиши мумкин.

Малака ошириш тизимида мустақил таълим воситаси сифатидаги ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш хусусиятлари ҳисобга олинган, андрагогик ва шахсий-фаолиятли ёндашув асосида қурилган педагоглар мустақил таълимнинг моделини амалга ошириш педагоглар касбий компетентлигининг ривожланишини таъминлайди.

Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим: “педагог ўзининг касбий-шахсий ривожланишида бир неча босқични босиб ўтади. Педагогнинг касбий-шахсий ривожланишининг ҳар бир босқичи унинг касбий ҳулқини мустақил таълимга нисбатан ҳам ўзгартиради. Касбий-педагогик фаолиятнинг босқичлилиги объектив характерга эга ва педагогнинг касбий ва шахсий сифатлари билан бевосита боғлиқ эмас”.

Малака ошириш тизимида ахборот-коммуникация технологиялари воситасидаги мустақил таълим моделининг самарадорлиги қуйидаги педагогик шартларнинг бажарилиши билан таъминланиши лозим:

–малака ошириш тизимининг ахборот-коммуникация мухитини ривожлантириш;

–малака ошириш тизимида педагогларнинг мустақил таълими жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан ривожлантиришга йўналтириш;

–малака ошириш тизимида педагогларнинг мустақил таълими жараёнини доимий педагогик қўллаб қувватлашни амалга ошириш.

Ахборот-коммуникация технологиялари таълимий имкониятларининг тахлили шундай ҳулосага келиш имконини берди: малака ошириш тизимида АКТнинг педагогларнинг мустақил таълими воситаси сифатида қўлланилиши педагогларнинг мустақил таълимини маълум даражада фаоллаштиради.

Малака оширишнинг ахборот-коммуникация мухити – бу малака ошириш жараёнининг барча иштирокчилари томонидан АКТ воситаларидан фойдаланишни таъминлайдиган технологик, кадрлар ва ташкилий ресурслар мажмуасидир.

Шахсий-фаолиятли ёндашувга асосланиб қурилган педагогларнинг АКТ воситалари орқали ўз-ўзини ўқитишнинг моделига қуйидаги элементлар: педагогнинг ўзи, унинг мустақил таълим фаолияти ва малака ошириш тизими киритилган.

Ахборот-коммуникация мухитининг модели қуйидагиларга имкон яратади:

–педагогнинг мустақил таълими даражаларини (репродуктив-эвристик-ижодий) малака ошириш тизимини педагогик қўллаб-қувватлаш ва педагогнинг АКТ-тайёргарлиги даражалари билан қиёслаш;

–педагогнинг таълим натижаси томон ҳаракатининг йўналишини мустақил таълимнинг муайян даражасида, касбий-шахсий ривожланиш йўналишига мос равишда босқичлар оралигида кузатиб бориш.

Бундан ташқари АКТни мустақил таълим воситаси сифатида педагогнинг АКТ-компетентлигини ошириш билан биргаликда қўллаш бир мустақил таълим даражасидан иккинчисига ўтишга имкон яратади, чунки у мустақил таълимни фаоллаштиришнинг объектив ва субъектив факторларининг ўзгаришига имкон беради ва унинг барча компонентларига таъсир қилади.

Таълим мухитини ахборотлаштириш, уни АКТ билан тўлдириш қуйидаги йўналишларда юз бериши лозим:

–технологик жиҳозли, дастурий ва таълимий ресурслар билан таъминлаш;

–кадрлар таълим жараёни иштирокчиларининг АКТ компетентлиги, бунда педагогларнинг АКТ воситаларини таълим жараёнида қўллашга қобилиятлиги ва тайёрлиги тушунилади;

Ташкилий АКТ воситаларининг таълим жараёнига қўллаш имкониятларининг таъминланганлиги бўйича мақсадга йўналтирилган ташкилий ишларни амалга ошириш. Малака ошириш тизимида ташкил этилган АКТ компетентликнинг кейинги даврдаги ривожланиши мустақил таълимнинг фаоллашувига кузатилиши мумкин. Бу ҳолат мустақил таълим олаётган педагоглар учун таълимнинг ахборот-коммуникация мухитини кенгайтиради ҳамда бир таълим даражасидан иккинчи, янада юқорирак даражага ўтиш имконини беради.

Иккинчи педагогик шарт - малака ошириш тизимида таълим жараёнини педагогларнинг АКТ воситалари орқали мустақил таълим фаолиятини ривожлантиришга йўналтиришдир.

Бу ҳолда ривожланиш деб, бир томондан мустақил таълимни малака ошириш амалиётига киритилган, узлуксизлик характери берилган таълим фаолиятининг дастури устида фаол иш олиб боришга ундашни кўзда тулади.

Иккинчи томондан, педагогларнинг мустақил таълим фаолиятининг ривожланиши унинг фаоллашувини, бошқача қилиб айтганда, педагогнинг индивидуал мустақил таълим дастури устида фаол иш олиб боришга ундашни кўзда тулади.

Педагогларнинг мустақил таълим жараёнини фаоллаштиришга ва уларнинг касбий-шахсий ривожланишига йўналтирилган АКТдан фойдаланиладиган таълим технологияларини қўллаш, курслар тингловчиларининг битирув ишларини тайёрлаш жараёнида ҳам, махсус таълим тадбирлари (семинарлар, мастер-синфлар ва б.ш.к.) ташкил этилганда ҳам амалга оширилиши мумкин. Махсус таълим дастурлари педагоглар томонидан электрон таълим ресурслари ва улар ёрдамида лойиҳалаштирилган ўқув машғулотларини яратишга йўналтирилган.

Бундан ташқари мустақил таълим стихияли жараён сифатида, баъзан самарасиз бўлади, чунки педагогларнинг мустақил таълим мақсадларига эришишига имкон берадиган, улар томонидан турли ҳолатларда энг мақбул қарорлар қабул қилиш учун шароитлар яратишни таъминлайдиган тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади.

Адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2003. 174-б.
2. Абдыллаева Г.О. Развитие дистанционного обучения в национальном вузе. Автореф. дисс... канд. пед. наук. -М.: 2009.
3. Абрамов Ю.Ф. Формирование общенаучного характера понятия информации (логико-гносеологический аспект): Дис... канд. филос. наук. -М.: 1979. – С.166.
4. Абдеев Р.Ф. Философия информационной цивилизации. -М.: «Владос», 1994. –С. 336.

РЕЗЮМЕ

Мақола масофадан ўқитиш таълим дастурларини амалга ошириш, таълим олувчиларнинг мустақил таълим фаолиятини ташкил этиш масалаларига бағишланган. Шунингдек, муаллиф педагог кадрлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимдан фойдаланиш бўйича ўз тавсияларини бериб ўтган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается применению образовательных технологий с использованием ИКТ, активизирующих самообразовательную деятельность педагогов и направленных на развитие его профессионально-личностного развития. Автор предлагает ряд рекомендаций по дистанционному обучению в образовательных учреждениях.

SUMMARY

The article is devoted to the application of educational technology using ICT, activating self-educational activity of teachers and aimed at the development of professional and personal development. The author also proposes a number of recommendations on distance education in educational institutions.

ЯНГИ АВЛОД ФАН ДАСТУРИ ВА АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИХАЛАБ ЎҚИТИШНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

К.Р.Мамадалиев – *катта ўқитувчи*

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти

М.Д.Хошимходжаева – *катта ўқитувчи*

Тошкент ахборот технологиялари университети

Таянч сўзлар: янги очилган таълим йўналишлари, янги авлод фан дастури, янги авлод ўқув адабиётлари, рақабатбардош кадрлар, таълим сифати, таълим самарадорлигини, ўқув машғулотларни лойиҳалаш, лойиҳалаш.

Ключевые слова: новые образовательные направления, новое поколение программ, новое поколение учебной литературы, конкурентоспособность кадров, качество образования, эффективность образования, проектирование учебного занятия, проектирование.

Key words: new educational trends, a new generation of programs, a new generation of textbooks, the competitive ability of personnel, quality of education, efficiency of education, designing training sessions, designing.

XXI аср бошларида барча ривожланган мамлакатларнинг илмий сиёсати фаннинг ўз потенциалини мустаҳкамлаш

билан бир қаторда, унинг ютуқларини самарали амалга оширишни таъмин этадиган жараёнларга ҳам қаратилмоқда.